O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 3 декабрь, № 234 (4897) Пайшанба


# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 декабрь куни Оқсаройда Жонс Хопкинс номидаги университет ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти директори Фредерик Старр раҳбарлигидаги АҚШ экспертлари гуруҳини қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари таниқли америкалик сиёсатшуносларнинг Ўзбекистонга ташрифи юртимиз ҳаёти, жумладан, иқтисодиёт, илм-фан, таълим тизими ривожи, умуман, мамлакатимиз салоҳияти билан бевосита танишиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Халқаро экспертлар ҳамжамияти таниқли вакилларининг қайд этишича, Ўзбекистон минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишда муҳим ўрин тутади. Уларнинг фикрича, Ўзбекистон иқтисодиётининг бугунги тараққиёти ва кенг кўламда изчил ривожланаётгани узоқ муддатли савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик учун катта қизиқиш уйғотмоқда.

Америкалик экспертлар самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг халқаро майдонда изчиллик билан олиб бораётган оқилона ташқи сиёсати алоҳида аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор таъкидладилар.

Мулоқот чоғида минтақавий хавфсизликка доир ҳамда бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

*Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.*

## САЙЛОВ — 2009

***Сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотига оид материалларини эълон қилишни давом этамиз. Бугунги сонда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ва Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси вакилларининг чиқишлари билан танишасиз.***

2-саҳифага қаранг.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси эртага — 2009 йил 4 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари бугун — 2009 йил 3 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

# ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

***Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллиги муносабати билан ташкил этилган «Конституция — бахтимиз пойдевори» ҳамда «Президент асарлари билимдони» республика кўрик-танловлари якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Адлия вазирликлари, Бадиий академия, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган ушбу танловларда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон халқ таълими вазири ўринбосари А. Холбеков, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раиси И. Латипов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси ўринбосари О. Жамолиддинова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар, юксак маънавият, теран тафаккур соҳиблари этиб вояга етказиш жараёнида ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтириш муҳим ўрин тутишини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши ўғил-қизлар ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Мактабгача таълим масканларида «Конституция сабоқлари», умумий ўрта таълим мактабларида «Конституция алифбоси», «Конституция оламига саёҳат», «Давлат ва ҳуқуқ асослари», «Конституциявий ҳуқуқ асослари», «Ҳуқуқшунослик» каби фанлар ўқитилмоқда. Айни пайтда «Менинг ҳуқуқларим», «Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятлари» каби ўқув қўлланмалар ўқувчилар билимини оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиздаги барча таълим масканларида «Инсон, унинг қадр-қиммати, ҳуқуқлари — муқаддас» мавзуида ўтказилаётган ҳуқуқий, маънавий-маърифий ойлик доирасида турли кўрик-танловлар, викториналар, интеллектуал беллашувлар, ҳуқуқшунослар, олимлар, маънавият тарғиботчилари иштирокида давра суҳбатлари, мулоқотлар ташкил этилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

***Пойтахтимизда “Ер ресурсларини бошқариш бўйича Марказий Осиё мамлакатлари ташаббуси” (ЕРБМОМТ) дастури раҳбарлик қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Осиё Тараққиёт банки (ОТБ) томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистондан эксперт ва олимлар, мутахассислар ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати — «Ўзгидромет» маркази бош директори Виктор Чуб мамлакатимизда Президент

# ЕР РЕСУРСЛАРИ МУҲОФАЗАСИГА ЭЪТИБОР

Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигига замонавий технологияларни жалб этиш борасида юксак самараларга эришилаётганини алоҳида таъкидлади. Фермерлик ҳаракатининг ривожланиши деҳқонларда ерга эгалик ҳиссини кучайтириш ва ҳосилдорликни ошириш баробарида, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Юртимизда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, ҳосилдорликни ошириш, мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 29 октябрда қабул қилинган «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим дастуриламал бўлаётир. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ташкил этилди, 2008 — 2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича давлат дастури ишлаб чиқилди.

Мамлакатимиз бу борада халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон 1994 йили БМТнинг Чўлланишга қарши кураш конвенциясига қўшилди. Мамлакатимиз бу ҳужжат доирасида ташкил этилган ЕРБМОМТ дастури Раҳбарлик қўмитаси мажлисларида мунтазам қатнашиб келади. Марказий Осиё давлатларига мўлжалланган бу дастур чўлланишнинг олдини олиш ва қурғоқчилик шароитида иш юритишни назарда тутади. Уни Осиё Тараққиёт банки бошқаради. Ўзбекистон Республикаси томонидан ушбу дастур мувофиқлаштирувчиси — «Ўзгидромет».

Мажлисда ЕРБМОМТ дастури доирасида Марказий Осиё минтақасида амалга оширилаётган ишларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига доир масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Ўн йилга мўлжалланган ушбу дастур миллий ва минтақавий миқёсда 2006 йилдан буён уч босқичда амалга ошириб келинмоқда. ЕРБМОМТнинг дастлабки босқичи 2006 — 2009 йилларни ўз ичига олади.

ЕРБМОМТ Ўзбекистонда қиймати 4 миллион АҚШ долларига тенг икки миллий лойиҳани амалга оширмоқда. Булар Қорақалпоғистон Республикаси ва Қизилқум чўлида экотизимларнинг барқарорлигига эришиш ҳамда Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган сармоявий лойиҳалардир.

Мажлисда ОТБнинг Филиппиндаги вакили, атроф-муҳит масалалари бўйича мутахассис Марк Кунзер, Қурғоқчил минтақалар бўйича қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари халқаро марказининг (ИКАРДА) Сув ва ер ресурсларини бошқариш дастури раҳбари Тейб Овейз, БМТ Тараққиёт дастурининг минтақавий техник маслаҳатчиси Владимир Мамаев, Глобал экологик жамғарма вакили Муҳаммад Бакарр ва бошқалар Ўзбекистонда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш борасида катта муваффақиятларга эришилаётгани, шунингдек, бу йўналишдаги илмий ютуқларнинг амалиётга тўла жорий этилаётганини қайд этдилар.

Анжуманда тупроқшунослик, агрокимё, геодезия ва картография соҳаларида малакали кадрлар тайёрлаш борасидаги долзарб вазифалар, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва тупроқ унумдорлигини оширишга бағишланган илмий ишлар кўламини янада кенгайтириш, тупроқ шўрланиши олдини олиш, сув ва шамол эрозиясини бартараф этишга йўналтирилган янги технологияларни қўллашга оид маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ПАРИЖДА МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ УЛКАН МЕРОСИ ҲАҚИДА

***Аввал хабар қилинганидек, Парижнинг Астрофизика институтида буюк ўзбек астроном олими ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек таваллудининг 615 йиллигига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий ваколатхонаси ва мамлакатимизнинг Париждаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.***

**Биз ва жаҳон**

Тадбирда Франциянинг илмий-академик, маданий ва ижтимоий доиралари, дипломатик корпуслар, ЮНЕСКО, Парижда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда Ўзбекистондан ташриф буюрган олимлар иштирок этишди.

Анжуманнинг фахрий меҳмони 1969 йил июлда «Аполлон-11» кемасида фазога кўтарилиб, Ойга қўнган америкалик афсонавий астронавт Базз Олдрин бўлди.

**Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий вакили Лола Тиллаева** ўзининг кириш сўзида, «Парижда ўтказилаётган илмий форум шу йил 10-11 июнь кунлари Самарқандда Франция, Италия, Япония, Россия, Ҳиндистон, Озарбойжон, Бангладеш, Эрон, Туркия каби хорижий давлатлардан 100 дан ортиқ атоқли олимлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этган «Мирзо Улуғбек ва унинг жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссаси» мавзуида бўлиб ўтган халқаро анжуманнинг мантиқий давоми» эканини таъкидлади.

Доимий вакил ўз маърузасида ЮНЕСКО 2009 йилни халқаро Астрономия йили деб эълон қилгани ва айнан шу йили Мирзо Улуғбек таваллудининг 615 йиллиги нишонланишини алоҳида таъкидлади. Унинг фикрига кўра, ушбу иккала сананинг бир йилга тўғри келиши рамзий маънога эга. «Мирзо Улуғбекнинг бой илмий мероси унинг нафақат мусулмон дунёсининг буюк фарзанди эканидан, балки бутун инсоният ривожланишига мислсиз ҳисса қўшган даҳо эканидан ҳам далолатдир. Шунинг учун ҳам унинг номи кўп асрлар давомида Шарқ ва Ғарбнинг олижаноб мақсадларга эришиш йўлида бирлашишининг рамзи бўлиб келмоқда».

Мирзо Улуғбек астрономия ва математикага чуқур муҳаббат қўйди. Дунёнинг турли мамлакатларидан олимлар ўз тадқиқотларини олиб боришлари учун Самарқандга таклиф этилди. Ўша даврда Буюк Ипак йўли орқали Самарқанддан бутун дунёга янги илм-фан тарқалди. Улуғбек машҳур илмий мактаб яратиш орқали маданиятлараро алмашувларни жонлантирди ва жамиятда билимларнинг ошишини рағбатлантирди. Унинг асарлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинди ҳамда Шарқ ва Ғарбнинг энг нуфузли билим масканларида ўқитилди.

Улуғбекнинг илмий мактаби Хивада жойлашган ва ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган Хоразм Маъмун академиясининг узвий давоми сифатида кўриш мумкин.

Анжуманда сўзга чиққан **Париж Астрофизика институти директори Лоран Вигро** Парижда Мирзо Улуғбекнинг илмий меросини ўрганишга бағишланган халқаро илмий форумни ташкил этиш у раҳбарлик қилаётган муассаса учун катта шараф эканини қайд этди. Унинг фикрига кўра, академик нуқтаи назардан Мирзо Улуғбек илмий меросининг бутун дунё, жумладан, Франция ва бошқа Европа давлатлари астрономия фанлари ривожига таъсирини ўрганиш фавқулодда муҳимдир.

Л. Вигро ушбу анжуман франциялик ва ўзбекистонлик олимлар ҳамда астрономлар ўртасидаги ҳамкорликнинг фаоллашуви сари муҳим қадам бўлганини таъкидлаб, Мирзо Улуғбекнинг илмий ғоялари ва кашфиётларининг оммалашувига хизмат қилиши ҳамда янги-янги қўшма тадқиқотлар учун рағбат вазифасини ўташига ишонч билдирди.

**Франциянинг Астрономия уюшмаси президенти Филипп Морел**нинг фикрига кўра, франциялик астроном ва мутахассислар Мирзо Улуғбек таваллудининг 615 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтаётган илмий симпозиумда улкан қувонч ва қизиқиш билан иштирок этишмоқда. Ушбу тадбир буюк ўзбек олимининг ҳаёти ва фаолиятига дахлдор ва илмий маълумотларни ўзида мужассам этгани билан мазмунан ажралиб туради.

Ф. Морель ушбу анжуманнинг ўтказилишини қўллаб-қувватлагани ҳамда Ўзбекистондан Мирзо Улуғбекнинг илмий ва маънавий меросини ўрганиш билан шуғулланаётган бир гуруҳ олимларни йўллагани учун Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорлик билдирди.

**Америкалик астронавт Базз Олдрин** ўз чиқишида Мирзо Улуғбек таваллудининг 615 йиллигига бағишланган Париж анжуманида иштирок этишга таклиф этилганидан фавқулодда хурсанд бўлганини айтди. У анжуман бундан олти аср илгари ноёб тадқиқот ишларини олиб бориш орқали коинот сарҳадларини кузатиш имкониятига эга бўлган Мирзо Улуғбекнинг бой илмий мероси билан Европа ва Франция жамоатчилигини янада кенгроқ таништириш имконини беришини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 4-бетда).

# «Жаҳон» ахборот агентлиги хабари

Жорий йилнинг 1 декабрь куни Россиянинг «Вести 24» янгиликлар канали Ўзбекистоннинг Марказий Осиё ягона энерготизими деб аталадиган тузилмадан чиқиши тўғрисида тожик телевидениеси томонидан тайёрланган лавҳани намойиш қилди. Бунда ушбу воқеанинг келиб чиқиши ва моҳиятини нотўғри талқин қилишга уринилган.

Мазкур лавҳанинг мазмунини таҳлил қилган ҳолда, «Жаҳон» ахборот агентлиги қуйидагиларни маълум қилади:

Ўз вақтида унитар совет тизими маҳсули сифатида Марказий Осиёнинг бирлашган (ягона эмас) энерготизими яратилган бўлиб, унинг фаолияти тўлалигича Совет Иттифоқи Энергетика вазирлиги томонидан молиялаштирилар, демакки, мувофиқлаштирилар ва бошқарилар эди.

Совет Иттифоқи тарқалиб кетгач, Марказий Осиёнинг бирлашган, дея аталмиш мазкур энерготизими ўз бошқарувини йўқотиб, омонат ҳолатга тушиб қолди. Зеро ушбу тизим ҳеч қандай мажбурий функционал юридик ваколатларга эга эмас эди.

Бу эса бирлашган диспетчерлик хизмати кўрсатмалари, мажбурий кучга эга бўлмагани ҳолда, асосан, маълумот учун қабул қилинишига, айрим мамлакатларнинг умумий тармоқдан электр энергиясини узатиш ва олиш бўйича белгиланган меъёрларни мунтазам равишда бузишига, натижада ҳалокатли оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлди.

Бу борада матбуотда эълон қилинган сўнгги хабарларга тўхталсак.

Жумладан, Россиянинг «Известия» газетаси 2009 йилнинг 16 ноябрида «Тожикистон узилиб қолиши мумкин» номли мақолани чоп этди. Унда ушбу мамлакатнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳақида хабар берилди. Шу куни «Независимая газета» «Москва Душанбени зулматга ғарқ этади» деб номланган материални чоп этди. Шу йилнинг 12 ноябрида Қозоғистоннинг «Республика» газетасида чоп этилган «Ўғриликка чидамаймиз!» номли мақолада Тожикистон бевосита Марказий Осиёнинг бирлашган энерготизимидан электр энергиясини олиб қўйишда айбланди. 2009 йилнинг 18 ноябрида «Политком.ру» сайти «Тожикистоннинг оғир қиши» мақоласида Душанбенинг энергетика соҳасидаги ўйланмаган хатти-ҳаракатларини таҳлил этиб, улар келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий ҳолатларни қайд қилди.

Мазкур мақолаларда ва ОАВдаги шунга ўхшаш материалларда табиий равишда Ўзбекистоннинг бирлашган энерготизимдан чиқиб кетишига олиб келган сабабларга тўла баҳо берилди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон томони келишилган тартибда (2009 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида) барча манфаатдор томонларни, шу жумладан, Тожикистон ва Қирғизистонни 2009 йилнинг 1 декабридан Марказий Осиёнинг бирлашган энерготизимидан чиқиши ҳақида олдиндан расмий равишда огоҳлантирди.

Туркманистон 2003 йилдаёқ ушбу тизимдан тўлиқ чиқиб кетган, Қозоғистон эса фақат 2009 йилнинг ўзида икки маротаба бирлашган энерготизимидан чиқишини (2-3 ойга) эълон қилди ва чиқиб турди.

Ўзбекистоннинг бирлашган энерготизим таркибида қолиши, бир неча маротаба огоҳлантирилганидек, Ўзбекистон энерготизими фаолиятининг тўлиқ издан чиқиши хавфини туғдирарди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон томонидан биронбир халқаро меъёр ёки Ўзбекистон ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятлар бузилишига йўл қўйилмаган.

Хулоса ўз-ўзидан маълум: ана шу сценарий орқасида турган кучлар бу каби хатти-ҳаракатлардан наф чиқмаслигини тушуниши керак бўлган пайт келди.

# АДОЛАТ — ЭНГ МУҲИМ ҚАДРИЯТ

***Инсон ҳуқуқини таъминлаш ва уни ҳимоя қилиш кишилик жамияти тараққиётининг бош масалаларидан бири бўлиб келган. Демократик жамият барпо этаётган барча мамлакатларда инсон ҳуқуқини таъминлаш, адолат мезонларини рўёбга чиқариш олий мақсад қилиб қўйилган.***

***Ҳамма замонда, ҳамма жойда адолат ҳаёт учун сув ва нон сингари зарур бўлгани маълум. Буюк мутафаккирлар айтганидек, адолат бўлмаган жойда эркинлик бўлмайди. Адолат — ҳамма учун баробар бўлган ҳуқуқ ва имкониятлар тенглиги, демакдир.***

Буни жамиятда адолат мезонларини қарор топтириш ва мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида сиёсий майдонга чиққан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг сайловолди дастурида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида янги жамиятни қуриш борасида тарихий муваффақиятларга эришди ва ҳозирда ўз тараққиётининг мазмунан янги жараёнига, яъни мамлакатни фаол демократик янгилаш ва модернизация қилиш босқичига кирди. Сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларини янада либераллаштириш, давлат қурилиши, мустақил суд тизимини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш каби йўналишларда кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Истиқлол шарофати туфайли шахс ўз ҳақ-ҳуқуқлари, қадр-қиммати, ор-номуси ва ғурурини англаши, «Мен — эркин инсонман» деган туйғуни теран ҳис этиб яшаши учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли онги ва дунёқарашининг ўзгариши, бозор муносабатларининг жорий этилиши, мулкдорлар синфининг пайдо бўлиши, сиёсий партиялар ва бошқа демократик институтлар мавқеининг янада мустаҳкамланиши, икки палатали профессионал парламентнинг шаклланиши билан боғлиқ янги ижтимоий-сиёсий вазият вужудга келди. Айниқса, демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши катта аҳамиятга эга бўлди.

«Адолат» социал-демократик партияси ўзининг стратегик мақсадлари ва устувор ҳаракат йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги долзарб масалалар мажмуасини аниқлаб, ўз фаолиятида уларга ечим топишни устувор вазифа сифатида белгилаб олган.

Партия мустақил Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш, шунингдек, жамиятда ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркини таъминлаш, маънавият ва маърифат қарор топган фуқаролик жамиятини қуришдек эзгу мақсадлари йўлида оғишмай фаолият юритиб келмоқда.

Мамлакатимиз Президенти ўзининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий қадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мана шундай олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютуқларимизни бутун дунё ҳамжамияти тан олгани — бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бугун ҳаммамиз чуқур англаймиз.

Мустақиллик инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омилидир. Фуқароларнинг Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари ҳар томонлама кафолатланган.

Маълумки, ҳуқуқий демократик давлатда суд ҳокимияти адолат ва қонун устуворлигининг муҳим шарти сифатида катта ўрин ҳамда таъсирга эга. Шунинг учун ҳам бундай мамлакатларда фуқаролар судни ўз ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоячиси деб билади. Ана шу олий мақсадга эришиш ниятида кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан суд тизимида чуқур ислоҳотлар ўтказилди ва бу жараён изчил давом этмоқда.

Кучли ва адолатли суд ҳокимияти бўлмаган жойда қонун ва адолат мезонлари бузилиши муқаррар. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси тутаётган йўлда давлатимиз юритаётган сиёсатга уйғун равишда суд ҳокимиятини ислоҳ қилишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган адвокатура ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштиришга эришишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Дарҳақиқат, истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимиз қонунчилигида амалга оширилган қатор ўзгаришлар — судловда ярашув институтининг жорий этилиши, иқтисодий жиноятларга доир ишларни кўришда моддий зарарни қоплаганларга қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазолар белгилаш ёки ҳибсхоналарда сақланаётган шахсларга нисбатан судгача ва суд жараёнида эҳтиёт чораси сифатида гаров, кафиллик бериш орқали уларни тилхат билан озодликка чиқариш каби чораларни қўллаш масалаларининг ҳал этилиши суд-ҳуқуқ тизими тубдан янгиланганини кўрсатади. Буларнинг барчасидан мақсад — айбдорни фақат жазолаш эмас, балки унинг ахлоқан тузалиши, янги жиноят содир этишининг олдини олиш, эркин ҳаётга қайтиши каби инсонийлик тамойилларининг амал қилишига эришишдан иборат. Кейинги йилларда давлатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган жиноий жазоларни либераллаштириш жараёни, амнистия актларининг қўлланилаётгани ҳам гуманистик сиёсатнинг бир кўриниши, халқимизга хос бўлган бағрикенглик ва кечиримлиликнинг, жамиятимизда адолат талабларига риоя қилинишининг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистон истиқлолга эришгандан буён амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларнинг асосий мақсади — халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидан изчил боришини таъминлаш, ҳуқуқий-демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти имкониятларидан аҳолини кенгроқ баҳраманд этиш, ватандошларимизнинг ҳаёти, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинлигини тўла кафолатлаш ҳамда мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада оширишдан иборат, десак, асло хато қилмаган бўламиз. Зеро, бу ҳақиқатни тарихан қисқа ўн саккиз йиллик даврда юртимизда, ҳаётимизнинг барча соҳаларида кечаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳам тасдиқлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 январдан кучга кирган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони инсоннинг яшаш ҳуқуқини эътироф этувчи ва мустаҳкамловчи халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари ва нормаларига, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларига тўла мослиги билан ажралиб туради. Бу давлатимиз раҳбари томонидан жамият ва давлат ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгилаш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, унинг теран одамийлик ва инсонпарварлик ғояси билан суғорилгани жамиятимиз аъзолари, хусусан, ёшларимизни жиддий мулоҳаза юритишга ундайди. Аввало, ҳар қандай жиноят учун жазонинг муқаррарлиги, жиноятнинг жазосиз қолмаслиги очиқ-ошкор ҳақиқат эканини унутиб бўлмайди. Аслини олганда ҳам, ўлим жазосининг умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши, бу — жазо мутлақо моҳиятини ўзгартирди, дегани эмас. Аввало, инсон онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Унга олаётган тарбияси ва бошқа турли омиллар таъсир кўрсатиши табиий. Бироқ қонун, бу — қонундир. Ҳар қандай жиноят эса жазога лойиқ бўлиши билан бирга, жиноятчи ҳам ўз инсоний ҳуқуқларига эга. Шу боис ҳам жиноятга оид сиёсатдаги туб ўзгаришлар мамлакатимиздаги криминоген вазиятга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шуни унутмаслик керакки, олий инсонийлик ва гуманизм ғояларига асосланган бу қадам жамиятимиз аъзолари тафаккурида истиқлол шарофати билан содир бўлаётган эзгу ишларнинг залворлиси ва ўта масъулиятлисидир. Қолаверса, давлатимиз раҳбари «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида таъкидлаганидек, маънавиятни тушуниш, англаш учун, аввало, инсонни тушуниш, англаш керак.

Шу маънода, биз ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ўз самарасини бераётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг изчил давом эттирилиши тарафдоримиз. Бунда судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг масъулиятини кучайтириш, мазкур органлар тизимида коррупцияга қарши курашиш ҳамда адвокатура ва прокуратура ваколатларининг тенглаштирилиши масаласининг амалда қўлланилишига эришиш борасидаги саъй-ҳаракатлар муҳимдир. Айни пайтда бундай тарихий ўзгаришларни қадрлаш, уни асраб-авайлаш, турли ғаразли таъсирларга учмаслик, жиноятнинг ҳар қандай кўринишидан тийилиш, ўзаро меҳр-муҳаббат ва садоқат билан яшаш ҳар бир кишининг виждон амри бўлмоғи лозим. Ана шунда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг муҳим ғояси — мамлакатимизда ижтимоий адолат, қонун устуворлиги ҳамда барча фуқаролар қонун олдида тенг ва бир хил жавобгар бўлган ҳуқуқий давлат барпо этишга, албатта, эришамиз.

**Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, «Адолат» социал-демократик партияси томонидан кўрсатилган номзодларга овоз берар экансиз, сиз мамлакатимизда «Инсон манфаатлари — ҳар нарсадан устун» деган тамойил устуворлигини қўллаб-қувватлаган бўласиз.**

***Сирожиддин РАУПОВ,***
***Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси***
***Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари.***

# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ — ЎЛМАС ҒОЯ

## Чунки миллат бор экан, миллий тикланиш ғояси яшайди.

***Барчамиз мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа — сайлов арафасида турибмиз. Сайлов бу — энг аввало, Ватанимизда истиқлол йилларида амалга оширилган кенг кўламли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар, демократик ўзгаришлар кўзгуси. Бугун барчамиз жамиятимиз ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ва таъсири сезиларли даражада ошганлигининг гувоҳимиз. Сиёсий партиялар нафақат етарли ваколатга эга, балки зиммасидаги мамлакат тақдири учун жавобгарлик ва масъулиятни ҳам англаб бормоқдалар.***

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш бош стратегик мақсад сифатида белгиланган экан, бу борада мустақиллик йилларида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида халқаро ҳамжамиятдан муносиб жой олди, Ватанимизнинг иқтисодий қудрати кучайиб, халқимизнинг турмуш даражаси муттасил ўсиб бормоқда. Одамларнинг онгу тафаккурида содир бўлаётган ўзгаришлар, айниқса, ватанпарвар, изланувчан, билимдон ва мустаҳкам ирода-эътиқодга эга истиқлолнинг янги ва ёш авлоди шаклланганлиги барчамизни қувонтиради. Ватанимизда кечаётган ана шундай ўзгариш ва янгиланишлар фуқаролар сиёсий фаоллигининг ошишига ҳам хизмат қилмоқда.

Одамларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини янада кучайтириш, демократик жараёнларда ва сайловларда фаол иштирокини таъминлаш, мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигини оширишга қаратилган турли ғоя ва қарашларни илгари суришда сиёсий партиялар муҳим ўрин тутиши барчамизга маълум.

Ҳозирги глобаллашув даврида Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, минтақада ва мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, турли сиёсий-мафкуравий таҳдид ва хавфлардан одамлар онгини асраш, айниқса, ёшлар қалбида мафкуравий иммунитетни шакллантириш, тарихий мерос, миллий қадрият ва анъаналаримизни, миллий турмуш тарзимизни асраб-авайлаш сингари долзарб вазифалар олдимизда турганлигини партиямиз аъзолари чуқур англаб, сайлов кампаниясига пухта тайёргарлик кўришди.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг асосий дастурий мақсадлари ҳақида гапирганимизда, аввало, миллий анъана ва қадриятларни сақлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, фан-техника тараққиётини ривожлантириш тарафдорлари бўлган инсонлар манфаатларини ҳимоя қилиш сингари вазифалар кўз олдимизда гавдаланади. Партия мустақиллик йилларида бошланган миллий қадриятларни тиклаш, ўзликни англаш, миллий ғояни шакллантириш ва миллий мустақиллик мафкурасини мустаҳкамлаш, халқнинг маънавий ҳаётида соф ўзбекона анъаналарни тиклаш каби хайрли ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли равишда давом эттириш тарафдоридир. Ушбу ишни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, унинг самарадорлигини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш олдимизда турган вазифалардан деб ҳисоблаймиз.

**“Мақсадимиз — Ўзбекистон фуқароси онгида ўз мамлакатининг тарихий ўтмиши, бугунги куни ва келажаги учун фахрланиш туйғусини тарбиялаш ва мустаҳкамлаш!”** — Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг асосий сиёсий шиори ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимизга назар ташлар эканмиз, қисқа фурсат ичида мамлакатимизда давлатимиз раҳбари муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳнамолигида асрларга татигулик улкан ишлар ва ислоҳотлар амалга оширилганлигига гувоҳ бўламиз. Эришилган натижалар замирида эса доимо миллий манфаатларимизни кўзлаш сиёсати мавжуд. Истиқлолнинг дастлабки йилларида Президентимиз “Биз учун мустақиллик — ўз эркинлигимизни англашгина эмас, балки, аввало, ўз ҳаётимизни ўз иродамиз билан ва миллий манфаатларимизни кўзлаган ҳолда ташкил этиш, ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш ҳуқуқидир”, деб алоҳида таъкидлаган эдилар. Масала моҳиятига шу нуқтаи назардан қарасак, мамлакатимизнинг миллий тикланиши, энг аввало, миллий манфаат сифатида майдонга чиқади.

Миллий манфаатларимиз доирасига эса, мустақиллигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, миллий хавфсизлигимизни таъминлаш, миллий давлатчилигимизни ва суверенитетимизни ҳимоя қилиш, иқтисодий тараққиётга эришиб, халқ фаровонлигини янада юксалтириш, ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори ва нуфузини ошириш ҳамда тараққий этган мамлакатлар сафидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, шунингдек, энг муҳими, азалий ва абадий, бой ва бетакрор буюк тарихий меросимиз, улуғвор маданий-маънавий қадриятларимизни ҳамда анъаналаримиз ва миллий менталитетимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, уларни ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлантириш, айниқса, ёшларимизни чуқур миллий руҳ асосида тарбиялашдек ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайдиган вазифалар киради.

Халқнинг тарихий хотираси, миллий ва маънавий қадриятлари, мустақил давлат сифатида шаклланиш жараёнида тадрижий йўл, демократик жамият қуришда миллий-ахлоқий анъаналарга содиқлик ва энг муҳими, демократия кимгадир яхши кўриниш учун эмас, аввало, ўзбек халқи манфаатларига қаратилганлиги — миллий манфаатлар тизимининг етакчи кучи сифатида майдонга чиқди. Бунинг асосини эса миллий ғоя, миллий мафкура ташкил этар экан, унинг зиммасига “тарих ва келажакни узвий боғлаш, шонли ўтмиш ва буюк истиқбол ўртасида кўприк бўлиш” вазифаси юкланган.

Мустақиллик туфайли биз ўз миллий давлатимизга, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрнимизга, ўз бойликларимизга ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлдик, топталган қадрият ва анъаналаримизни, дину диёнатимизни тикладик, унутилган буюк аждодларимиз номи ва меросини ўз ўрнига қўйдик ва энг муҳими, халқимиз онги ва тафаккурини ўзгартириб, уни озод ва ҳур миллат, халқ сифатида ўзлигини намоён қилишига беқиёс имкониятлар яратдик. Буларнинг замирида миллий тикланиш ғояси ва ҳаракати мавжуд. Миллий тикланиш ғояси эса мамлакатимиздаги айрим бир миллатнинг эмас, бутун Ўзбекистон халқининг ғоясидир.

Ўзбекистоннинг янги халқаро шароитларда ва геосиёсий воқеликда миллий манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш юзасидан амалий қадамларининг тактик ва стратегик мақсадлари ҳамда вазифалари замирида миллий тикланиш ва ривожланишнинг умумий мафкураси ва кенг қамровли дастури мавжуд. Шу боис **Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, Халқ фаровонлиги** — умуммиллий ғояси атрофида жамиятимизни бирлаштиришга асосланган Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини Миллий тикланиш демократик партияси қўллаб-қувватлайди. Бундан ташқари, Ўзбекистонда умуммиллий манфаатлар устуворлигига асосланган мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини, миллатлараро ва динлараро тотувликни ҳамда ўзаро тушунишни янада мустаҳкамлашга партия бор куч ва имкониятларини сафарбар қилади. Ватанимиз демократик йўлдан ривожланиб борар экан, ижтимоий ва маънавий ҳаётимиз умуминсоний ҳамда миллий қадриятлар муштараклигига асосланишини миллий манфаатларимизга жавоб берадиган энг мақбул йўл, деб ҳисоблаймиз. Худди ана шу сиёсий йўл ва маслакни қўллаб-қувватлайдиган, миллий манфаатларимиз ҳамда қадриятларимиз учун курашадиган фуқаролар партиямиз ижтимоий қатламини ташкил қилади. Яъни, партиямиз илм-фан, маданият, маърифат ва маънавият соҳаси ходимларини ҳамда зиёлиларнинг бошқа вакилларини манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади. Шу билан бирга, партия аҳолининг бошқа ижтимоий қатламлари ҳамда гуруҳларининг манфаатларини ҳисобга олади ва ҳурмат қилади.

Ҳозирги пайтда “эркин ҳаёт” ниқобидаги “универсал” ва “оммавий маданият” ақидапарастлиги миллий турмуш тарзимизга хавф ва таҳдид туғдираётган ҳодисадир. Инсонни ўзлигидан жудо қилувчи турли ақидаларга ружу қўйиш, ахлоқий ва маънавий қадриятларни оёғости қилишга уриниш, жамият ҳаётидан фақат кир қидириш, сохта ва зарарли ғояларни дастагу дастур қилиб олиш орқасидан пайдо бўлаётган янги таҳдид ва тажовузлар ҳам замонавий миллий тараққиётга, инсон ҳаётига, оила муқаддаслигига, ёшлар тарбиясига катта хавф туғдирмоқда. Бундай мафкуравий ва ғоявий ҳаракатлар, зўравонлик ва ахлоқсизликка асосланган “эркинлик” тарғиботчилари ҳар хил марказлар, жамиятлар ва ташкилотларга уюшиб, ўз фаолиятларига қонуний тус беришга ҳам уринмоқдалар. Партиямиз дастурий мақсадларида ана шундай ёт ва зарарли ақидаларга қарши курашиш етакчи ўринга қўйилган.

Партия фаолиятини “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун талаблари асосида ташкил қилиш олдимизда турган энг муҳим вазифалар сирасига киради. Ушбу тарихий ҳужжат сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш билан бир қаторда, зиммамизга улкан масъулият ҳам юклайди. Истиқлол йилларида жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли муттасил ошиб борар экан, одамларнинг сиёсий фаоллиги ҳамда мамлакат равнақи ва келажаги учун масъулиятини ошириш, айниқса, ёшларнинг қалбида юртга муҳаббат, Ватанга садоқат руҳини кучайтириш, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишга жамиятнинг барча қатламларини сафарбар қилиш борасида ҳали кўп иш қилишимиз керак. Айниқса, демократик жараёнларни янги босқичга кўтариш, фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида партиямиз ҳам ўз сўзини айтиши зарур. Айни шу масалалар партиямиз иш дастуридан салмоқли ўрин эгалламоқда.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ўзининг сайловолди Платформасида иродаси бақувват, иймони мустаҳкам, Ватанга, миллий манфаатларимизга содиқ комил инсонни шакллантириш, жамиятимизда фуқаролик масъулиятини янада кучайтириш, ёш истеъдодли олимларни қўллаб-қувватлаш, фаннинг турли соҳаларида шаклланиб келаётган миллий мактабларнинг ривожланиши тарафдори ҳамда “устаторд” анъанасини янада камол топтиришни ўз олдига етакчи мақсад сифатида қўймоқда.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ўтган даврдаги фаолиятига назар ташлар эканмиз, Андижон, Самарқанд ва Нукус шаҳарларида “Баркамол авлод — озод Ватан келажаги” шиори остида бўлиб ўтган ёшларнинг минтақавий форумлари, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллигига бағишлаб ташкил этилган “Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони” мавзуидаги кўрик-танлов, “Юксак маънавият — енгилмас куч” шиори остида ўтказилган туркум тадбирлар, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида “Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ёшларга оид сиёсатининг устувор йўналишлари” мавзуидаги илмий-амалий семинар, “Сиёсий партиялар фаолиятида оммавий ахборот воситалари билан ишлашнинг аҳамияти” мавзуидаги ўқув-семинар, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурининг моҳияти ва ижросини таъминлашга қаратилган тадбирлар партиянинг дастурий мақсадларига хизмат қилиши билан ажралиб туришини алоҳида таъкидлаш лозим.

Партиямиз маънавий юксалиш масаласига алоҳида эътибор билан қарайди. Шу боис маънавият йўналиши фаолиятимизда етакчи ўринга олиб чиқилган. Партия ушбу соҳада миллий маънавиятимизни юксалтириш, бой ва бетакрор тарихий меросимизни чуқур ўрганиш, маданият, санъат, фан ва таълимни янада ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшишни мақсад қилиб қўймоқда.

**Азиз ватандошлар! Барчангизни 27 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловда фаол иштирок этиш ва Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар учун овоз беришга чақирамиз.**

***Рустам РАШИДОВ,***
***Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси***
***Марказий Кенгаши***
***Ижроия қўмитаси аъзоси.***

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Носозлик туфайли тўхтатилди

***Франциянинг Крюа ва Мейс маъмурий ҳудудида жойлашган атом электростанцияси фаолияти вақтинча тўхтатилган.***



Манбада айтилишича, станциянинг сувни совитиб берадиган тўртта реакторидан бирида носозлик кузатилганидан сўнг шундай йўл тутилган. Муаммонинг атроф-муҳитга ва одамларга зарар етказиши мумкин бўлган аломатлари аниқланмаган. Текширув ишлари олиб борилмоқда.

### Фаолиятини ўзгартирмоқда

***Италиянинг Сицилия оролида жойлашган "Fiat" автоконцернига тегишли корхонада автомобиллар ишлаб чиқариш тўхтатилади.***




Бу ҳақда концерн раҳбари Серджио Маркьонне маълум қилди. Ҳозирга қадар мазкур корхонада "Lancia Ypsilon" русумли автоуловлар йиғилаётганди. Эндиликда бу ерда бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилган. Шу боис жамоа касаба уюшмаси қўмитаси ушбу ўзгариш туфайли 1400 нафар ходим ишсиз қолиши мумкинлигидан хавотирланмоқда.

### Ўн тўрт йилда ясалган гараж

***Ҳиндистонлик фермер тракторини қўядиган жой тайёрлаш учун умрининг ўн тўрт йилини сарфлади.***

Бихар штатида яшовчи Рамчандра Дас бунинг учун уйининг олдидаги тоғни ўйишга мажбур бўлган. Унинг айтишича, дастлаб бу ишда маҳаллий ҳокимиятдан кўмак сўраган ва рад жавобини олган. Шундан сўнг у 4,2 метр кенгликдаги гараж ҳосил қилиш учун шунча вақт мобайнида тошни йўнган.

### Энг қиммат узук

***Гонконгда ўтказилган "Кимошди" савдоси чоғида пушти рангли бриллиант билан безатилган узук 10,8 миллион АҚШ долларига сотилди.***



Мазкур тақинчоқнинг оғирлиги беш каратни ташкил этади. Эътиборли томони, бу қиймат ҳозиргача сотилган ушбу турдаги зеб-зийнатлар ичида рекорд кўрсаткичдир. Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, жорий йилнинг май ойида мовий рангли бриллиант билан безатилган узук 10,5 миллион АҚШ долларига пулланганди.

### Маҳсулот ҳажмини ошириш мақсадида

***Эрон уранни бойитишга мўлжалланган ўнта янги корхона қуришни режалаштирмоқда.***

Маҳаллий оммавий ахборот воситалари хабарларига қараганда, ана шу корхоналарнинг бештасини барпо этишга яқин кунларда, қолганларига эса икки ой ичида киришилади.

Эрон бу билан ядровий ёқилғи олиш ҳажмини йилига 250-300 тоннага етказишни мақсад қилган.

### Ёмон ўйнагани учун

***Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳрида бир гуруҳ футбол мухлислари "Палмейрас" клубида ижара асосида тўп сураётган ҳужумчи Вагнер Лавга ташланишган.***



Гап шундаки, клубнинг уч нафар фанати футболчини кўчада учратиб қолиб, уни дўппослашга тушишган. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари аралашувидан сўнг Лавга жиддий жароҳат етишининг олди олинди. Суриштирувларда аниқланишича, мухлислар унинг ёмон ўйин кўрсатаётгани туфайли шундай йўл билан хуморларидан чиқмоқчи бўлганлар.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

***Ўзгаларга меҳр улашиш, яхши ният билан умргузаронлик қилиш, эътиборга муҳтож кишиларга ғамхўрлик кўрсатиш халқимизга хос фазилатлардан саналади. Зеро, юртимизда ҳеч ким эътибордан четда эмас. Тақдир зарбаси боис ёхуд болаликдан ногирон кишиларга кўрсатилаётган мурувватни кўриб, дилинг эзгуликдан жўш уришининг боиси шунда.***

# БЕҚИЁС МЕҲР ОҒУШИДА

**3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни**

Айниқса, кейинги йилларда жисмоний имконияти чекланган кишиларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизими такомиллашиб бораётир. Хусусан, ногиронлар касбий реабилитацияси ҳамда уларни зарур протез-ортопедия жиҳозлари билан таъминлашга қаратилган бир қатор қарор, Фармон ва дастурлар қабул қилингани ҳамда уларнинг амалдаги ижроси фикримиз тасдиғидир. Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ҳам ана шундай изчил чора-тадбирлар натижасида барпо этилган шифо муассасасидир. Мазкур марказ 200 ўринга мўлжалланган бўлиб, унинг таркибида ички касалликлар, асаб ва умуртқа поғонаси хасталикларининг асоратлари, қўл ва оёқ касалликлари ҳамда жароҳатларининг асоратларини даволаш, шунингдек, ногиронларни протезлаш, ортопедик буюмлар билан таъминлаш бўлимлари мавжуд.

Шифо масканига мурожаат этган ҳар бир бемор-ногиронга Тиббий-ижтимоий реабилитация комиссияси иштирокида аниқ ташхис қўйилади. Шундан сўнг ногиронларни соғломлаштириш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий ҳамда касбий реабилитация қилиш чора-тадбирлари олиб борилади.

Бугунги кунда марказда 6 нафар фан доктори, ўнлаб фан номзоди ва олий тоифали шифокорлар хизмат қилмоқда. Бу ердаги малакали мутахассислар Беларусь, Харьков, Россия, Новосибирск, Москва, Англия, Санкт-Петербург Тиббиёт академияларида хорижлик ҳамкасблари билан ўзаро тажриба алмашмоқдалар. Ушбу самарали алоқалар натижасида бугун марказда чаноқ-сон бўғими касалликларини мураккаб жарроҳлик усулида даволаш, умуртқа таналарини алмаштириш, тизза бўғими артрозини даволаш, таянч-ҳаракат тизими аъзоларини протезлаш каби даво усуллари муваффақиятли қўлланилмоқда.

Ногиронларни протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминлаш ва улардан фойдаланишга ўргатиш ҳам марказнинг асосий фаолият йўналишларидан биридир. Шу мақсадда марказ қошида «Ортопедия-реабилитация» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди. Ушбу корхона Германиядаги протез-ортопедия маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича дунёга машҳур «ОТТО-БООК» фирмасининг асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Унинг барча вилоятларда филиаллари мавжуд бўлиб, маҳаллий хом ашё негизида протез-ортопедия маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Муассасада ногиронларга тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация хизмати кўрсатилади. Беморларга тиббий-меҳнат экспертиза хулосаларини бериш, ногиронларни протезлаш ва уларни турли ортопедия буюмларидан фойдаланишга ўргатиш, ушбу йўналишларда чуқур илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва уларнинг натижаларини мамлакатимиздаги шундай марказлар фаолиятига татбиқ этиш каби вазифалар шулар жумласидандир. Касаллик аниқлангач, бемор физиотерапевтик усуллар, жумладан, механотерапия, кинезотерапия, массаж, игнарефлексотерапия ва бошқа турли замонавий реабилитация усуллари билан даволанади. Қолаверса, малакали жарроҳларимиз реконструктив-тиклаш жарроҳлиги воситасида таянч-ҳаракат тизими касалликлари ва жароҳатлари натижасида турли анатомик нуқсонлар пайдо бўлган аъзоларни оғир дарддан фориғ этишга муваффақ бўлаяптилар.

— Болаликдан ногиронлар аравачасига михланиб қолган эдим, — дейди 23 ёшли Робия Қодирова. — Туғма чаноқ-сон бўғими хасталиги билан оғриганим учун юра олмасдим. Марказда операция қилишди. Энди мен ҳам мустақил ҳаракатлана оламан. Ҳатто, соғлиғимга мос касб танлаб, ишлашим ҳам мумкин экан. Бундан буён ҳамма қатори ҳаётда ўз ўрнимни топиш, жамиятга керакли инсон бўлиш учун интиламан, кўзлаган мақсадларимга эришиш учун астойдил ҳаракат қиламан.

— Шу ердаги дўхтирларнинг довруғини эшитиб, умид билан келгандим, шукрки, уйимга ўз оёғим билан кириб борадиган бўлдим, — дейди ўзини Қурбон ота деб таништирган киши. — Рости, оёқларим қимирламай қолганди, ўн кунга қолмай, ўзимни шунчалар тетик ҳис этдимки, дардим бу қадар тез арийди, деб ўйламагандим. Қўли енгил шифокорларимиз омон бўлишсин. Халқнинг омонлигини ўйлаётган, ногирону ёлғиз кексалардан самимий меҳри ва эътиборини аямаётган Юртбошимизга минг раҳмат! Қадру эъзоз бундан зиёда бўлмайди, ахир. Эшитганмиз, чет элларда мендай касаллар фалон миллионлаб пул сарфламаса, биров ҳолинг не, демас экан. Бизнинг юртда эса эл саломатлиги давлат муҳофазасига олинганлиги боис, бемор ва ногиронлар учун жуда кўп имтиёзлар мавжуд. Хастахол бўлиб қолган одамни оёққа турғазиб, биздай кўнгли ярим инсонларга беминнат ғамхўрлик кўрсатаётганларнинг жони омон бўлсин!

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

## ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Конституция — бахтимиз пойдевори», «Президент асарлари билимдони» республика кўрик-танловлари ана шундай тадбирлар сирасидан. Ижодий беллашувлар жараёнида ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий билими баҳоланди.

Қарши шаҳридаги 19-мактаб ўқувчиси Гулҳаё Абдуллаева, Жарқўрғон туманидаги 36-мактаб ўқувчиси Қобилбек Ҳайиталиев, Гурлан туманидаги 6-ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Шоҳруҳ Йўлдошев, шу тумандаги 42-ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Лайло Каримова, Нукус шаҳридаги 3-мактаб ўқувчиси Мухтасар Раҳимова, Зарафшон шаҳридаги 8-мактаб ўқувчиси Сарвар Хўжақулов «Конституция — бахтимиз пойдевори» республика кўрик-танловида турли номинациялар бўйича ғолибликни қўлга киритди. Урганч шаҳридаги 5-мактаб ўқувчиси Наргиза Хўжаниёзова «Президент асарлари билимдони» республика кўрик-танловининг ғолиби бўлди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

---

# МУҲТАШАМ ИНШООТЛАР УЧУН СИФАТЛИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ

***Истиқлол йилларида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари юртимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Натижада шаҳару қишлоқларимизда замонавий, барча қулайликларга эга муҳташам иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айниқса, қишлоғу маҳаллалар кўркига кўрк қўшиб турган касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва умумтаълим мактаблари биноларини кўриб, кўз қувнайди.***

**Ислоҳот**

Хоразм вилоятида ҳам биргина ўтган йилнинг ўзида 12 та касб-ҳунар коллежи, 2 та академик лицей, 320 ўринли мактаб биноси фойдаланишга топширилган бўлса, жорий йилда уларнинг қаторига яна 7 та ўрта махсус ўқув даргоҳи қўшилди. Муҳими, мазкур ижтимоий соҳа объектларининг меъмору бунёдкорлари — юртдошларимиз. Уларни бунёд этишда ишлатилаётган замон талабларига мос қурилиш ашёлари ҳам ўзимизда, ўз кучимиз билан ишлаб чиқарилаяпти.

"Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли "Хоразм иккиламчи қора металлар" корхонаси ҳам шундай иншоотлар қурилишига металл прокатлар, яъни металл қурилмаларни етказиб беради.

Бунинг учун даставвал вилоятдаги корхона ва ташкилотлардан шартнома асосида яроқсиз қора металл парчалари қабул қилиб олинади. Шундан сўнг у Бекобод металлургия комбинатига жўнатилади ва у ердан тайёр металл прокатлар қабул қилиниб, вилоятдаги коллеж, лицей, мактаб қурилишларига имтиёзли нархларда етказиб берилади. Қарабсизки, бунёдкорлик объектлари арзон металл қурилмалар билан таъминланади.

Ўз фаолиятини тежамкорлик асосида ташкил этаётган корхона аҳли ҳозирда вилоятдаги 580 дан ортиқ ташкилот билан ҳамкорлик ўрнатган. Корхонада жорий йилнинг ўтган даврида 16 минг 400 тоннадан ортиқ қора металл тайёрланиб, коллеж, лицей ва мактаблар қурилишига 1326 тонна металл қурилмалари етказиб берилди.

Шунингдек, корхона жамоаси Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида Боғот, Хонқа, Хива туманларида бунёд этилаётган 60 та якка тартибдаги уй-жой қурилишига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Хусусан, улар томонидан мазкур қурилиш иншоотларига 230 тонна металл прокатлар етказиб берилиши кўзда тутилган.

Эътиборли жиҳати, корхона ўз фаолиятини йилдан-йилга кенгайтириб бораётир. Жорий йилда Ҳазорасп, Шовот туманларида унинг 2 та филиали иш бошлади. Натижада 22 та янги иш ўрни яратилди. Келгуси йили Боғот ва Ҳазорасп туманларида ҳам яна янги филиаллар ташкил этилади. Шу билан бирга, корхона жамоаси якка тартибда уй-жой қурувчилар ҳамда қурилиш ва таъмирлаш ташкилотларини рақобатбардош қурилиш материаллари билан таъминлаш мақсадида арзон нархларда металл ва бошқа қурилиш материаллари сотиладиган ихтисослаштирилган дўконлар фаолиятини йўлга қўйиш ҳаракатида. Ҳозирда Урганч шаҳрида ана шундай дўкон ишлаб турибди. Бу ерда биржа баҳосидан ошмаган нархларда металл қурилмалар сотилади. Келгусида бундай дўконлар Қўшкўпир, Хонқа, Шовот, Гурлан, Янгибозор, Ҳазорасп туманларида ҳам ишга туширилиши кўзда тутилган.

— Халқимиз азалдан тежамкорликни хуш кўради, — дейди корхона раҳбари Илҳом Полвонов. — Бу яроқсиз металл парчаларидан бунёдкорлик ишларида самарали фойдаланиш имконини бермоқда. Натижада юртимиз шаҳару қишлоқларида қад ростлаётган иморатларнинг нафақат замонавий ва кўркамлиги, энг муҳими, мустаҳкамлиги таъминланмоқда.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

"TOY-TEPA AGROMAX" МЧЖ
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беради:
Сабзавотлар: картошка, пиёз, қизил лавлаги, сабзи.
Маҳаллий шароитда етиштирилган.
Украина технологияси асосида қайта ишланган.
Дон-дун: перловка ёрмаси, гречка, нўхат, гуруч.
Маҳсулот сертификатланган
тел.: 586-46-00, 168-09-09.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ
бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

РКМБ марказий идораси биносида 2009 йил 18 декабрь куни соат 11.00 да такроран ўтказиладиган аукцион савдосига Биржа кузатув кенгаши ва бошқарувининг 2009 йил 6 июлдаги қарорларига асосан, РКМБнинг Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 39-уйда жойлашган Жиззах вилояти филиали биноси қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 48 054 773 сўм.

Ушбу кўчмас мулк 2009 йил 18 декабрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2009 йил 21 ва 24 декабрь кунлари соат 11.00 да ўтказилади.
Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.
Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини РКМБнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Манзил: Тошкент ш., Собир Раҳимов тумани, М. Ўрозбоев к., 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52.
www.rkmb.uz

MEHRJON MEHRIBON
Тел.: +(998 71) 287-52-54.
Факс: +(998 71) 279-94-04.
mehrjon_mehribon@mail.ru
www.mehrjon.uz
лок-бўёқ ишлаб чиқарувчи корхона қуйидаги лок-бўёқларни таклиф этади:
ПФ-115 эмали
ПФ-121 эмали
турли ранглардаги мовий, яшил, кўк, қизил, кулранг, сариқ, қора,
ПФ-266 эмали полга
Э-АК-19 фасад учун бўёқ
ВД-АК-215
бинолар ичи учун бўёқ
ПФ-283 локи
Том учун бўёқлар
ПВ оксоль ОЛИФи



«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР қабул қилинади.
9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона

ПП «ЧИРЧИК ШАНХАЙ ПЛАСТ»
ПРОИЗВОДИТ
НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ
ТРУБЫ
ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм
ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ,
КОМПЛЕКТУЕТ АДАПТЕРАМИ, СОЕДИНИТЕЛЯМИ, ОТВОДАМИ, ТРОЙНИКАМИ.
ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ.
Товар сертифицирован, гарантия — 5 лет, срок службы — 50 лет.
Адрес: г. Ташкент, ул. Шайхантохур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАБЗАК».
Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00,
моб. (+998 93) 547-49-75, (+998 90) 995-19-99.
e-mail: sedou2006@yandex.ru

"ВОЛГА" АВТОМОБИЛЛАРИГА
МАКСИМАЛ ЧЕГИРМА



AVTODOM PLUS
"ГАЗ" РУСУМИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ
www.auto.uz
Автосалон:
Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 118-уй.
Тел.: (998 71) 140-41-21, 140-41-22.
Офис:
Тошкент ш., 100015, Шаҳрисабз к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998 71) 256-03-62, 256-13-01.
Шунингдек, сотувда 3307 русумли вахта автобуслари ҳам мавжуд.
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

ЎЗБЕКИСТОНГА КОНВЕКТОРЛАРНИ РАСМИЙ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ —
«УКРАИНА БИЗНЕС МАРКАЗИ» МЧЖ
минтақавий дилерларни ҳамкорликка чақиради, чегирмалар мавжуд!
АЛОҲИДА ҲОЛДА ИСИТИШНИНГ ЯНГИЧА ЕЧИМИ!
Ўзбекистон Республикасида сертификатланган, газда ишлайдиган «АКОГ» иситиш конвектори:
- хонани тезда иситади;
- экологик тоза;
- белгиланган ҳароратни автоматик равишда бир маромда сақлайди;
- совуққа чидамли, сув, электр таъминоти ва газ босими ўзгариши унга таъсир кўрсатмайди;
- газни тежаб сарфлайди;
- бинолар, коттежлар, офислар, кафелар ва дала ҳовлидаги уйларни иситишда унинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди.
Шунингдек, Украина ишлаб чиқарувчиларининг қуйидаги юқори сифатли маҳсулотларини етказиб берамиз: трансформаторлар, трансформатор кичик станциялари, насослар, тиббий препаратлар ва тиббиёт ускуналари, металл маҳсулотлари, темир йўллар учун буюмлар, кунгабоқар ёғи, қандолат маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда бошқа маҳсулотлар ҳаммабоп нархларда!
Тошкентдаги тел.: 158-85-75, 242-93-73, 242-84-64.
E-mail: ubcazia@rambler.ru www.ubcazia.com

